

УЛУГБЕК ҲАМДАМ “ОТА” РОМАНИДА ҚАХРАМОН ОБРАЗИТАЛҚИНИДА МИЛЛИЙ ДЕТАЛЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

Асомиддинова Гулбарно Алижоновна

Фарғона давлат университети гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллари кафедраси
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7241603>

Аннотация. Бадий асарда қаҳрамон образининг талқин этишида ёзувчи У.Ҳамдам “Ота” романида миллий деталлар ва миллий қадриятлардан унумли фойдаланган. Уибу мақолада тадқиқотчи персонаж руҳий дунёсидаги миллий руҳият ифодасини очиб беришига ҳаракат қилган.

Калим сўзлар: қаҳрамон образи, миллий детал, миллий қадрият, портрет, руҳий кечинмалар.

РОМАН УЛУГБЕКА ХАМДАМА «ОТА» ВЫРАЖАЕТ НАЦИОНАЛЬНЫЕ ДЕТАЛИ И НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ В ТРАКТОВКЕ ОБРАЗА ГЕРОЯ

Аннотация. Писатель У.Ҳамдам в своём романе “Отец” в изображении героя использовал национальные детали и национальные ценности. В этой статье исследователь постаралась раскрыть национальный дух в изображении внутреннего мира персонажа.

Ключевые слова: образ героя, национальная деталь, национальная ценность, портрет, душевные переживания.

ULUGBEK HAMDAM'S NOVEL "OTA" EXPRESSES NATIONAL DETAILS AND NATIONAL VALUES IN THE INTERPRETATION OF THE HERO IMAGE

Abstract. The writer U. Hamdam effectively used national details and national values in the novel "Father" in the interpretation of the hero's image in the literary work. In this article, the researcher tried to reveal the expression of the national mentality in the mental world of the character.

Key words: character image, national detail, national value, portrait, spiritual experiences.

КИРИШ

Бадий адабиётда қаҳрамон образини яратишда портрет муҳим ўрин эгаллайди. Қаҳрамон ички дунёсини очиб беришда портретнинг ўрни бекиёс бўлиб, у асар гоясини, персонажлар характерини ўқувчига муккамал етказиб беришга ёрдам беради. Бадий асарда портретнинг вазифаси тасвирийликни ифодалашгина бўлибгина қолмай, образлар характери, руҳий ҳолатини ҳам ёритиб беришни ўз зиммасига олади. Портрет бир томондан, қаҳрамон ташқи қиёфаси орқали унинг руҳий оламини талқин қилиб берса, иккинчи томондан, аксинча, батафсил тасвирланган персонажнинг руҳий дунёси орқали унинг ташқи қиёфасини ҳам ўз зиммасига олади, ва бу портрет моҳияти, деб аталади. У.Ҳамдам ўз асарларида бадий портрет воситасида образ моҳиятини очишга, персонажларнинг руҳий ҳолатини ўзгаришини, характерларни ёрқинроқ ифодалашга интилади ва бунда, миллий деталлар ва қадриятларимиздан ўз ўрнида фойдаланган.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Буюк рус ёзувчиси А.С.Пушкин шундай деб ёзган экан:

“Иқлим, бошқарув усули, эътиқодҳар бир ҳалқ учун алоҳида юз ифодасини белгилайдики, озми-кўпми бадий адабиётда ўз ифодасини топади. Фақатгина бир ҳалқга тегишли бўлган фикрлар ва хислар оқими кўплаб урф-одатлар, анъаналарни мавжуд қиласди”

Қаҳрамон портретини тасвирлашда муаллиф унинг ички дунёси, феъл - автори ва ҳатти-

ҳаракатини ифодалашга харакат қиласи. Бунда ёзувчи миллий деталлардан ўринли фойдаланган ва шу орқали ўз ғоясини тўлақонли ифодалашга харакат қиласи.

Хар қандай портрет тасвирида қаҳрамон ташқи кўринишидан ташқари, ёзувчи гавда ҳолати, кийим-кечак, гапириш усулини ҳам назардан четда қолдирмайди.

Немис адабиётшуноси Хотхолд Лессинг: "Хаётда ҳеч нарса қўлнинг ҳаракатидек таъсирчанликни бера олмайди, айниқса, хаяжонли жараёнда; аммо қўл ҳаракати иштирок этмаган ва унинг ҳаракатини ифодалай олган юзнинг ҳолати яна ҳам таъсирчанроқ бўлади", деган. Ҳалқимизда катталарага, айниқса ота – онага кўрсатиладиган ҳурмат эҳтиромни қуидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

" – Ассалому – алайкум, ая, келинг! - Пўлат кўзғалиб онасига пешвоз чиқди. Энгашиб унга пешонасини тутди.

- Ваалайкум, болам, ваалайкум! - Ўғлини елкаларини ислади она." Бу ерда ўғилни онага, онанинг ўғилга кўрсатаётган эҳтиромлари кўрсатилмоқда.

Ўзбек қизларини отаси олдиаги ҳаё-ибоси асарнинг бош қаҳрамонларидан бири Севинч образи орқали талқин этилади:

"- Ҳа, ота, - кўзларини яширди Севинч."

"- Хўп, ота, - Севинч қўллини кўксига қўйиб туриб, ўз хонаси томон йўналди."

Оиладаги эру-хотин муносабатларидаги миллий қадриятларимиздан бири қуидаги мисраларда ўз аксини топган :

"- Топилганда қандоқ, Пўлатжон! - эру-хотин водий томондаги удумга кўра бир- бирларига тўнгич фарзандининг исми билан мурожаат қилишар экан. Фақат Ойчечак опа Пўлатжон деса, Ўткир ака Пўлатхон дерди" Умри бўйи душманлик қилиб, ҳаёти сўнгида Эрбой Пўлатдан қилган ёвузликлари учун кечирим сўраб бориши ҳам эътиқодимизнинг бир намоёнидир :

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

"Кечир, Пўлат, мендек заҳарли илонни, кечир!.. Эрбой ота Пўлат отанинг икки қўлидан маҳкам тутган қўйи, гавдаси билан пастга эгилиб, ўйғиб юборди..." Инсон қанчалик гунохкор бўлмасин, ҳалқимизда биродарга қийин вазиятларда ёрдам қўли чўзилади, руҳий далда берилади.

"Лекин қўни- қўшни, маҳалла- қўй, отасининг уруғлари- қариндошлари бирин сирин ҳол сўраб келишиб, унинг жонига ора кира бошлишди" Ҳалқимизнинг меҳмондўстлигини ифодалаши қуидаги жумлаларда қўринади: "Турсун отанинг невара ўғли - боягина Пўлат отагадарвозани очгани- елкасига сочиқ ташлаб, бир қўлида обдаста, бир қўлида чилапчин билан келди. Унинг изидан невара қизи билагида ташланган дастурхону иккита нон, бир чойнак чой, тўргта пиёла, ликопчада қаймоқ кўтариб кирди.

- Ассалому-алайкум! Келинг, Пўлатота!

- Ваалайкумассалом! Ке, қизим, ке."

Ва ниҳоят, асарнинг кульминацион нуқтаси-ота ўз ор-номуси, шаънини гўёки никохсиз болани дунёга келтирган якка-ю-ёлгиз қизи Севинчни жонига қасд қиласи. "Бундай гунохни жазосиз қолдириб бўлмасди..... Мен ота қилиши керак бўлган ишни қилдим: гунохкорни жазоладим!" дегани деган эди. Лекин туриб- туриб юрагининг аллақайси бир пучмоғидаги ғашликни ҳис қилиб қоларди.

Отанинг фикру зикри ана шу ўйлар билан банд бўлиб, ўзи билан ўзи қолди дегунча Яратганга илтижо қиласи- да, содир этган гунохи – одам ўлдиргани учун авф тилар, намоз

ўқир,рўза тутар, ҳамда ўлим деган ўша муқаддас ҳодисани кутарди.”

Бу романда ёзувчи қаҳрамонларни руҳий ҳолатини ифода этишда миллий деталларга ҳам кўп эътиборини қаратган, масалан “дурра” детали ҳам она, ҳам ота образида намоён бўлади:

“Вой, Худойим- ей, болажонимни ўзинг асрагин!” дея пиҷирлар, юзи кўзидан оқаётган терни қўлидаги каттагина дурра билан артиб туради.” “Неварам йўқолиб қолди!.. қўлидаги дуррасини кўзларига босиб пик- пик йиғлаб юборди.”

“Яшасин , ўлим!” дея ҳайқиргиси келади- я инсонни!..” оқ дурранингостидағи отанинг калласида ана шундай ўйлар ғужғон айланарди.”

“Ота бошидаги дуррани кўтариб, қаршисида бир неча эркак кишининг қорасини кўрди.”

Дурра ўзбек ҳалқида меҳмонларга мезбонлар томонидан нон, қанд - курс тугиб бериладиган пахта матодан тикилган буюм бўлиб, у ёзинг жазирама кунларида даструмол сифатида ҳам қўлланилади. Одатда , кекса ёшдаги эркаклар белига белбоғ бойлаб юришади. Белбоғ қадимдан мардлик, жасурлик рамзи ҳисобланиб келинган. Бежизга ҳалқимизда “Белингда белбоғинг борми?”, деб сўралмайди. Кекса отахонлар чорси, дуррани белларига белбоғ қилиб бойлашади, бу кези келганда уларга сочиқ, даструмол вазифасини ўтайди.

“Ота белбоғини ечди, кўзсоққаларини ўраб, кўришга монелик қилаётган кўз ёшларини артиб олди, артиб олиб болага яна боқди: ажаб, у бир пайтнинг ўзида ҳам Ёғдуни, ҳам Севинчни эслатарди.” “Ота кўз ёшларини яна ўша белбоғи билан артди. “Мен энди нима қиласман? Қандай йўл тутаман? Сен мени нималар қилиб қўйдинг - а, нималар қилиб қўйдинг, эй Яратган Эгам?!..” Ота кутилмаганда ортига бурилди- ю, эшик томон гандираклаб- гандириклаб юра бошлади.” “Пўлат отани кўзлари ёшланди. Лекин дарҳол белидаги белбоғини ечиб, бир бармоғини унинг четига тиқди- да кўзларини артди.- Бас!- деди ўзига ўзи, бас!..” Ушбу асарда муаллиф миллий деталлардан яна бири “тугунча” деталини қўллаганини учратишимииз мумкин. “Тугунчasi қўлидан “тўп” этиб тушган Пўлат ота бир уйга, бир ҳовли юзини босган чакалакзорга, бир эса, қарилекдан тиришиб кетган қўлларига боқар экан, нима қилишини, бу бегона жойда энди ўзини қандай тутишини билмай, эсанкираганча туради.” Етти йиллик қамоқ жазосидан кейин уйига қайтган Пўлат ота ошуфтахол турганини қўлидаги тугунчasi тушиб кетиши орқали ёзувчи бизга кўрсатиб бермоқчи бўлмоқда.

Она образидаги

“тугун” детали эса ўзбек аёлинни қайга бормасин, ҳар вақт ширинликлар, нон солинган тугуни билан юришини англаймиз. “-Ойчечак опа айвонга кириб, қўлидаги тугунни хонтахта устига қўйди да, ёйилиб, бесаранжом бўлиб ётган тўшакларни кўтариб, бошқатдан ўрин солди.” Миллий деталлардан яна бири “калиш” асарда қаҳрамонларни руҳий ҳолатидаги ўзгаришларни очиб беришга ҳаракат қиласми. Масалан “- Пўлат ота ! - кўчадан овоз келди. Ҳа- а- а, ҳозир! Пўлат ота оёғига бўсағадаги калишини илиб, ташқарилади.”

Эшикдан чақириб келган одамни кўп куттирмаслик учун “калишини илиб”, яъни чаққонлик билан кийиб олиши инсонни инсонга билдираётган эҳтиромини кузатсак, иккинчи мисолда ғазабланганидан Пўлат отани уйида ортиқ ўтиришни ҳоҳламаётган Турсун отани жаҳл билан чиқиб кетишига уринаётганини кўришимиз қийин эмас.

“-Садқаи одам кетсин бу!..- деди у остонода калишини оёғига иларкан, Пўлатга нафрат билан қараб.” Эшикдан чақириб келган одамни кўп куттирмаслик учун “калишини илиб”, яъни чаққонлик билан кийиб олиши инсонни инсонга билдираётган эҳтиромини кузатсак, иккинчи мисолда ғазабланганидан Пўлат отани уйида ортиқ ўтиришни ҳоҳламаётган Турсун отани жаҳл билан чиқиб кетишига уринаётганини кўришимиз қийин эмас.

Күйида келтирилган мисолларда кўриниб турибди-ки, ёзувчи “Ота”романида қаҳрамонларнинг қалб кечинмаларини тұлақонли ёритиб беришда миллий деталлардан, миллий қадриятларимиз намуналаридан кенг фойдаланған. Ёзувчи қаҳрамонлар портретлари даги миллий деталлар маъно товланиши оқибатида ўз ғоявий функциясига эга эканлиги кўрсатиб, портрет тасвирилашда персонажларнинг қалб кечинмаларини кенг ёритиб беришда муҳим ўринга эга эканлигига гувоҳ бўламиз.

REFERENCES

1. А.С.Пушкин, Полное собрание сочинений, т.11, изд. АН СССР, 1949 г.
2. Лессинг Г.Э.Лаокоон и в границах живописи и поэзии. М. 1957 г.
3. У.Хамдам Ота. Тошкент, Янги аср авлоди, 2020 й.
4. Alijonovna, A. G. (2022). THE IMAGE OF THE NARRATOR IN ZWEIG'S NOVEL "STREET IN THE MOONLIGHT". *Confrencea*, 3(3), 116-118.
5. Alijonovna, A. G. (2022). INTERPRETATION OF THE IMAGE OF WOMEN IN S. ZWEIG'S SHORT STORIES " THE LETTER OF AN UNKNOWN WOMAN" AND " 24 HOURS OF A WOMAN'S LIFE". *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 3, 39-46.
6. Alijonovna, A. G. (2022). DISTINCTIVE FEATURES OF STORIES BY STEFAN ZWEIG. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 2, 88-94.
7. Himoyat, I., Shodlik, K., Mukhtarjan, M., Davronbek, B., Sherimmat, Y., & Bakhtiyor, Y. (2020). Sorption of Zn (II) and Cr (III) ions into ion exchangers obtained on the basis of local raw materials. *International Journal of Pharmaceutical Research*, 12(3).
8. Ismoilova, H. (2022). Image of Women's Duties in Religious Sources. *PindusJournalofCulture, Literature, and ELT*, 2(3),